

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06. 2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВА ДИЛҒУЗА БАҲАДИРОВНА

**ОИВ БИЛАН ИНФИЦИРЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ПЕРИФЕРИК
ЛИМФА ТУГУНЛАРИ СИЛИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОСИГА
ЁНДАШУВНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.26 - Фтизиатрия
14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Tib217 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тиллашайхов Мирзагалеб Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Садиков Абдувахит Садикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мусабаев Эркин Исакович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худайкулова Гулнара Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06. 2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Н.У. Гаджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Т.А. Даминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда одам иммунтанқислик вируси (ОИВ) мавжуд бўлган беморларда сил энг кўп учрайдиган оппортунистик инфекция бўлиб, айниқса силнинг ўпкадан ташқари кўринишда кечиши муҳим клиник муаммо ҳисобланмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, «...одам иммунтанқислик вирусини юқтирган кишилар сони 36,7 миллионни ташкил этиб, ОИВ инфекцияси мавжуд одамларда сил ривожланади ва одам иммунтанқислик вируси йўқ беморларга нисбатан ушбу кўрсаткич 20-37 марта юқори ...»¹. Ташхислашнинг мураккаблиги шундаки, одам иммунтанқислик босқичида ривожланган сил, аксарият ҳолатларда ўпкадан ташқари аъзоларни жароҳатлаш хусусиятига эга, яъни тарқалган персистик лимфаденопатия кўринишида учрамоқда.

Жаҳонда ОИВ-инфекцияси эпидемиологияси, диагностикаси, клиникаси ва генетик хусусиятларини ташхислаш ҳамда, даволаш самарадорлигига бағишланган илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида ОИВ-инфекцияси фонидида сил касаллигининг ривожланиши ва авж олиши, уни эрта ташхислаш, даволаш ва касаллик асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилотининг ОИТС бўйича кўшма дастури маълумотларига кўра, ОИВ- инфекциясига чалинган беморларда учрайдиган сил лимфаденитларнинг 60% ташхисланмаслиги сабабли, ўлим ҳолатига олиб келди. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида ОИВ-инфекциясининг турли босқичларида ривожланадиган сил касаллигининг клиник ва лаборатор ташхислаш усулларини қиёслаш ва прогностик белгиларини аниқлаш, оптимал даволаш усулларини танлаш, ОИВ-инфекцияси ривожланишининг олдини олишга қаратилган ташхислаш ёндашувларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан одам иммунтанқислик вирусини юқтириб олган беморларни ўз вақтида аниқлаш, уларга малакали тиббий ёрдамни ташкил этиш ва вирус тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги, ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва тарқалишини олдини олиш...»² вазифалари белгиланди. Бу борада, жумладан ОИВ- инфекциясини ташхислаш ва даволашда янгича ёндошувларни тарғиб қилиш орқали, уларда ўлим кўрсаткичинини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадқиқот-

¹ Global AIDS Update, UNAIDS, 2016. (Бирлашган миллатлар ташкилотининг ОИТС бўйича кўшма дастури)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

ларни янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3493-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида 2011-2015 йилларда сил касаллигини камайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 62-сон Қарори ва 2013 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда ОИВ-инфекциясига қарши кураш бўйича Стратегик Дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. ОИВ-билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силени ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Cape Town, (Жанубий Африка), Universidad Continental, (Перу), Bingham University, (Нигерия), Universidade Federal de Goiás, (Бразилия), Université Libre de Bruxelles, (Белгия), University (Зимбабве), Universidade de Pernambuco, (Бразилия), РТФА Сил марказий илмий текшириш институти, И.М. Сеченов номли биринчи Москва Давлат Тиббиёт Университети, юқумли касалликлар ва фтизиопульмонология тиббий тадқиқотлар маркази, Қозон давлат тиббиёт университети, Воронеж давлат тиббиёт академияси, Санкт-Петербург фтизиопульмонология илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Украина Шошинч пульмонология маркази (Украина), Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ОИВ-билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силени ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштиришга қаратилган илмий изланишлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: одам иммунтанқислиги вируси ва сил касаллиги билан оғриган беморларда ретровирусга қарши даволаш дори воситаларининг тизимли қўлланилиши натижасида мочевина ва креатиннинг кўтарилиши ва буйрак комасининг ривожланиши исботланган (University of California АҚШ); ОИВ ва сил касаллиги билан

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. www.uct.ac.za, www.ucontinental.edu.pe, www.binghamuni.edu.ng, www.ufg.br, www.ulb.ac.be, www.ub.bw, www.uz.ac.zw, www.upe.br, www.fudan.edu.cn, www.unsw.edu.au, ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди

хасталанган беморларни Beda Quiline билан даволаш самарадорлиги исботланган (University of Cape Town Жанубий Африка); ОИВ ва сил касаллиги билан хасталанган беморларда биоимпекция маркерлари, яъни тана вазни, ёғларнинг миқдори, тана вазни индексининг ўзгариши Lipocalin-2 даражасининг пасайишига олиб келиши исботланган (Universidad Continental Перу), (University of Ferrara Италия); ОИВ билан зарарланишни камайтириш ва ўлим кўрсаткичини пасайтириш мақсадида ўз вақтида ташхислаш, ретровирусга қарши терапиянинг тизимини қўллаш самараси ишлаб чиқилган (University London Буюк Британия); ОИВ инфекциянинг кўчирилган аъзолар орқали юқишини олдини олишга қаратилган даво тизимидан кенг фойдаланиш зарурлиги исботланган (University of Washington АҚШ); ОИВ ва сил касаллиги билан хасталанган беморларни даволаш самарадорлигини оширишда скрининг тизимининг аҳамияти юқорилиги асосланган (University of Botswana Ботсвана); ОИВ-билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силни ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштириш тизими ишлаб чиқилган (Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Ўзбекистон).

Дунёда одам иммунитет танқислиги вирусини юктириб олган беморларни даволаш ва унинг асоратларини олдини олиш борасида қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ОИВ–инфекцияли беморларда оппортунистик касалликларни ўз вақтида аниқлашга асосланган замонавий ташхислаш тизимини такомиллаштириш; ОИВ-инфекцияли беморларни даволаш самарадорлигини ошириш учун ретровирус препаратларининг резистентлигини баҳолаш, ретровирус препаратларининг организмга ножўя таъсири сабабларини аниқлаш; ОИВ билан касалланган беморларда ретровирусга қарши терапиянинг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган алоҳида генетик омилларни аниқлаш, оппортунистик инфекцияларнинг ривожланишини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда ўтказилаётган барча тадқиқотлар одам иммунтанқислик вирусининг сўнгги босқичларида, беморларда силнинг авж олиши ўпкадан ташқари яъни, лимфа тугунларда кузатилишини тасдиқламоқда (Пантелеев А.М., Бабаева И.Ю.2012; Зимина В.Н. 2009; Беллендир Э.Н., Тумаш О.Л. 2017). Бундай ҳолатларда ананавий ташхислаш усуллари самарасиз бўлиб, касалликни ўз вақтида аниқлашни қийинлаштиради. Биоматериалларнинг морфологик манзарасининг ўхшашлиги гистологик текширувларда ҳар доим ҳам етарли натижа бермайди. Текширув маълумотларига кўра, гистологик текширувдаги сил гранулемаси кўпчилик патологик жараёнларда бир хил патологик ўзгаришга эга бўлади, бу эса ўз навбатида сил лимфаденопатиясини гипердиагностикасига олиб келади. Бошқа томондан эса, кўп ҳолатларда, сил жараёни лимфа тугунларда носпецифик типдаги гиперплазия ҳолида кўриниши сил гиподиагностикасига сабаб бўлади. Рентгенологик тасвирнинг атипиклиги, балғамдан сил таёқчасининг ажралмаслиги, туберкулин

синамаларининг манфийлиги силли лимфаденит ташхисини тасдиқлашда қийинчилик келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда иммунтанқисликни олдини олиш мақсадида ишлатилаётган ягона даволаш усули ретровирусга қарши даволашдир. Иммун тизимини тиклаш мақсадида, ретровирусга қарши даволашни CD4-лимфоцитларнинг кўрсаткичлари 350 хуж./мкл дан юқори бўлганида бошлаш мақсадга мувофиқдир. Хорижий адабиёт манбаларида, ретровирусга қарши препаратларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш кенг ёритилган (Кравченко А.В., 2008; Рахманина Н.Ю., 2012; Захарова Н.Г., 2013; Richman D.D., 2004; Bertagnolio S. et al., 2008; Wolfe D. et al., 2010). Сил ва ОИВ инфекциясининг ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлиги кенг доира тадқиқотчиларни ўзига тортмоқда. Деярли, барча ОИВ га чалинган беморларда кўпинча бир нечта ҳамроҳ касалликларнинг бирга учраши ташхислаш ва даволашни қийинлаштиради. Беморларни текшириш фақат ўпка флюорографияси ва бактериоскопия билан чегараланади, бу усуллар эса, сил лимфаденопатияси диагностикаси учун етарли маълумот эмас. Аниқланмаган силли лимфаденопатия фонида ретровирусга қарши препаратларни қўллаш самарасиз бўлибгина қолмай, балки беморнинг аҳволини янада ёмонлашувига сабаб бўлади. Шу билан бирга, беморларда ретровирусга қарши препаратларнинг самарасизлиги, ретровирусга қарши вирусологик жавоб тариқасида CD4 лимфоцитлар сонининг кўпаймаслиги сабаби, ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида сўнгги йилларда ОИВ- инфекцияси муаммосига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди (Тимонова М.С. 2011; Турсунов Р.А. 2017; Олейник А.Ф. 2017; Байжанов А.К., Мусабаев Э.И. 2018). Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, беморларда ретровирусга қарши препаратларнинг самарадорлигини оширишда энг муҳими, препаратга содиқлик ва оппортунистик касалликларни даволашдир. Шу билан бирга, ретровирус препаратларининг самарасизлигига CD4 хужайралари кўрсаткичларининг паст (100хуж./мкл дан кам) бўлганда энг кўп учрайдиган ҳамроҳ касаллик яъни силнинг тарқоқ лимфаденопатия тури бўлиб, ўлим ҳолатига олиб келувчи асосий сабаб деб таъкидлайдилар.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар, ОИВ- инфекцияли шахсларда лимфа тугунлар силнинг диагностик усулларини оптималлаштириш билан бирга, эрта ташхислаш усулларини тадбиқ этиш, ретровирусга қарши препаратлар билан даволаш самарасига, беморларнинг генетик хусусиятларининг боғлиқлигини илмий асослаб берувчи усулларни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот йўналишларига мувофиқ, Глобал жамғарманинг ОИТС, сил ва безгакка қарши «Ўзбекистонда ОИВ касаллиги бўйича назоратни кучайтириш, Ўзбекистонда ОИВ инфекциясига қарши курашида айниқса,

юқори хавфли гурухларга қаратилган фаолият доирасини кенгайтириш» мавзусидаги илмий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОИВ билан инфицирланган беморларда периферик лимфа тугунлари сили диагностикаси ва давосига ёндашувни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекцияли беморларда лимфа тугунлар силини ташхислашда микроскопик, бактериологик, ген-молекуляр, гистологик, рентгенологик усулларининг информативлик даражаси ҳамда Манту ва Диаскин-тест синамаларининг диагностик аҳамияти ва ўзига хослигини баҳолаш;

ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитини ташхислашда морфологик ва гистокимёвий алоҳида белгиларини аниқлаш;

ОИВ-инфекцияли беморларда силли лимфаденопатиянинг клиник ва диагностик хусусиятларини киёсий тахлиллаш ва даволаш самарадорлигини башоратловчи мезонларини ишлаб чиқиш;

ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитини самарали даволаш усуллари ва ретровирусга қарши оптимал дори схемаларини аниқлаш;

ОИВ-инфекцияли ва силли лимфаденит беморларда ретровирусга қарши даволаш самарадорлигига генетик омиллар таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ОИТСга қарши кураш маркази «Д» кузатувидаги 160 нафар беморлар ҳамда Республика ихсослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббий марказида даволанаётган 99 нафар сил лимфаденитли беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети кузатувдаги беморларда силни ташхислаш, даволаш учун беморлардан олинган қон, балғам, нажас, пешоб, йирингли масса, лимфа тугунларидан олинган патологик тахлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар вена қони ва зардоби, балғам, нажас, пешоб, йирингли масса ва лимфа тугунлари ажратмалари тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, серологик, бактериологик, иммунологик, вирусологик, молекуляр-генетик, гистологик, гистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор одам иммунтанқислик вируси инфекцияси мавжуд беморларда сил лимфаденитининг клиник кечиш хусусиятлари, анъанавий ва замонавий диагностика усулларининг диагностик аҳамияти аниқланган;

биологик субстратларда сил микобактериясини аниқлашда иммуногистокимёвий текширув усулларининг юқори информативлиги исботланган;

ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитини ташхислаш учун диагностик алгоритм тактикаси ишлаб чиқилган;

ОИВ-инфекцияли беморларда периферик лимфа тугунлар силини комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқилган;

ОИВ-инфекцияли беморларни даволашда ретровирусга қарши препаратларнинг самарасига таъсир этувчи одам генетик омили ва уларнинг

даволашга жавоб хусусиятлари аниқланиб, даволаш самарадорлигини башорат қилувчи генетик мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекцияли шахсларда учрайдиган сил лимфаденити касаллигига хос бўлган клиник ва лаборатор хусусиятлар аниқланган;

ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитини ташхислашда иммуногистокимёвий усулининг ишончлилиги тасдиқланган;

ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитини эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ОИВ-инфекция фонида сил лимфаденитли беморларни ретровирусга қарши даволаш билан бир вақтда фасцио-футляр лимфадисекция хирургик усулини қўллаш самарадорлиги исботланган;

ОИВ-инфекцияли беморларда дори препаратларига ТТ-бардошлик, СТ-ўрта бардошлик ва СС-сезувчан генотипларини аниқлаш асосида ретровирусга қарши даволашнинг самарали схемалари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар етарли даражада танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги бўлиб, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, серологик, бактериологик, иммунобиологик, биологик, молекуляр-генетик, гистологик, иммуногистокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилган. Тадқиқотда турли хил текширув усулларини қўлланилиши ОИВ-инфекцияли беморларда силли лимфаденитнинг муҳим хусусиятларини аниқлашга имкон берган, олинган натижалар ва хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти, ОИВ-билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силини ташхислаш ва даволаш ёндашувларини оптималлаштириш республикада келажакда чуқур изланишлар олиб бориш учун замин яратган. Тадқиқотда қўлланилган анъанавий ва замонавий ташхислаш усулларининг диагностик аҳамияти, яъни иммуногистокимёвий, иммунологик, серологик ва биокимёвий тадқиқот усулларининг бирга қўлланиши, ОИВ-инфекцияли сил лимфаденитли беморлар генетик омиллари ва уларнинг даволашга жавоб хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, касалликнинг турли босқичларида ОИВ-инфекция фонида сил лимфаденитли беморларни АРВ ва СҚП даволаш билан бир вақтда фасцио-футляр лимфадисекция хирургик усулини қўллаш самарадорлиги исботланган. ОИВ-инфекцияли беморларда дори препаратларига ТТ-бардошлик, СТ-ўрта бардошлик ва СС-сезувчан генотипларини аниқлаш асосида ретровирусга қарши даволашнинг самарали схемалари таклиф этилганлиги даволаш самарадорлигини ошириши ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ОИВ билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силини ташхислаш ва даволаш ёндашувларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ОИВ-ассоцирланган сил лимфаденити диагностикаси ва дифференциал диагностикаси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/160-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ОИВ га боғлиқ сил касалликлари билан касалланган лимфаденитни ташхислаш ва даволашни яхшилаш механизмини татбиқ қилиш имконини берган;

«Оппортунистик инфекцияли беморларни даволаш тактикаси», «ОИВ ва сил касаллиги», «ОИВ ва вирусли С гепатит беморларни даволаш тактикаси», «ОИВ ва вирусли В гепатит беморларни даволаш тактикаси», услубий қўлланмалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/160-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланмалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида»ги 2018 йил 30 апрелдаги 277-сон буйруғига асос бўлган;

«ОИВ-инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида»ги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 мартдаги 81-сон буйруғи тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/160-сон маълумотномаси). Мазкур буйруқ ОИВ билан касалланган беморлардаги оппортунистик касалликлар билан бир вақтда периферик лимфа тугунлари силини ҳам ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштиришда асос бўлган;

ОИВ билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силини ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ОИТСга қарши курашиш маркази клиникаси, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоят силга қарши диспансерлари ҳамда Тошкент шаҳар 1-сонли шаҳар клиникаси амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 8н-з/223-сон маълумотномаси). Натижада ОИВ билан хасталанган беморларни даволаш тизимини тўғри ташкиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 183 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб қилиниши исботланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шаклланган, тадқиқотнинг объект ва предмети тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожининг устувор йўналишидаги мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий самаралари баён қилинган, иш самарасининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, нашр қилинган ишлар ва диссертация структураси бўйича тадқиқот самараларини амалиётга тадбиқ қилиш маълумотлари берилган.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияли беморларда лимфа тугунлар силининг замонавий ҳолати ва ташхислаш муаммолари**» деб номланган биринчи бобида ОИВ-инфекцияси ва сил лимфаденитининг эпидемиологияси тўғрисидаги замонавий маълумотлар, клиник кечиши, ташхислаш ва дифференциал ташхислаш, даволаш, ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитининг патогенези ва терапиясига таъсир қилувчи шахсий генетик омиллари ҳақидаги адабиётлар шарҳи келтирилган. Ўрганилаётган муаммолар бўйича адабиётлардаги маълумотлар асосида ўз қарорини топмаган ва чуқур текширувлар талаб қиладиган масалалар аниқланган ва олиб борилган таҳлил натижалари мавзунинг долзарблигини асослаб берган.

Диссертациянинг «**ОИВ-билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силени ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштириш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишининг 2013-2018 йиллар мобайнида РИ Фтизиатрия ва пульмонология ИАТМ клиникаси ва Республика ОИТСга қарши кураш марказида бажарилганлиги кўрсатилган. Тадқиқот (n=259) лимфаденопатияси мавжуд ОИВ инфекцияли (n=160), ОИВ-инфекциясиз (n=99) беморларда ўтказилган ва тадқиқот вазифаларига қараб ҳар ҳил гуруҳларга бўлинган (1 жадвал).

1- жадвал

Текширилган беморларнинг этиологик таркиби

Лимфаденопатиялар	Беморлар сони
ОИВ-инфекцияли сил лимфаденопатияси	101(38,9%)
ОИВ- инфекциясиз сил лимфаденопатияси	99 (38,2%)
ОИВ-инфекцияли беморларда силсиз лимфаденопатия	59 (22,7%)
Жами	259

Тадқиқотда ЖССТ тавсия этган усуллар тадбиқ қилинган. Беморлардан олинган қон, балғам ва бошқа патологик материаллар бактериологик, иммунологик, серологик, гистологик, иммуногистохимёвий (ИГК), молекуляр-генетик, усуллар билан текширилган. Республика ОИТСга қарши кураш марказининг лаборатория комплексида текширилган беморларнинг қон зардобида иммунофермент таҳлил (ИФТ) ёрдамида ОИВ га қарши специфик антитаналарнинг аниқланиши билан «ОИВ-инфекция» ташхиси аниқланди ва иммуноблот (ИБ) усули билан текширилганда ташхис тасдиқланди.

ОИВ-инфекцияси тасдиқланган беморларда даволаш жараёнида вирус юкламаси полимер-занжирли реакцияси орқали, CD4-хужайраларни (Т-лимфоцитлар) аниқлаш эса, цитофлуометрия оқар усули ёрдамида текшириб борилди. Стационарда даволанаётган беморларда клиник-биохимёвий таҳлиллар билан биргаликда ИФ, ПЗР усуллари ёрдамида оппортунистик сурункали вирусли гепатит В,С,Д, ЦМВ, токсоплазмоз, герпес инфекциялари аниқланди. Марказнинг бактериология лабораториясида беморлардан олинган патологик (балғам,йиринг, суртма, нажас, пешоб) ажратмалар озуқа (Сабуро) ағари мухитида экиш ёрдамида оппортунистик замбуруғли касалликлар аниқланди. ОИВ-инфекцияли беморларнинг клиник босқичларини аниқлашда, ССВ нинг 04.03.2015 йилдаги 81 сонли клиник протоколи асос қилиб олинди.

РИ Фтизиатрия ва пульмонология ИАТ марказининг бактериология лабораториясида сил таёқчаси ДНК сини аниқлаш мақсадида, люминесцент микроскоп(бактериоскопия) ёрдамида балғамнинг умумий таҳлили, бир вақтнинг ўзида суюқ озуқа мухити (MGIT-960 VASTEC) ва зич озуқа Левенштейн – Йенсен мухитларига балғамни экиш усулидан сил таёқчасининг силга қарши препаратларга сезгирлигини аниқлаш учун фойдаланилди. Сил микобактериясининг рифампицинга чидамлилигини аниқлаш учун балғамни 3 кун кетма-кетликда Gene-Xpert полимер-занжирли реакция усулидан фойдаланилди. Беморларга Манту (2 ТЕ n=180 беморга) ва Диаскин-тест(n=100 беморга) тери ости синамалари қўйилди. Марказнинг патоморфология бўлимида периферик лимфа тугунлардан олинган патологик материаллар гистологик усулда текширилди. Силли лимфаденитни аниқлашда гистологик маълумотларнинг етарли бўлмаганида, Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология ИАТмаркази қошидаги патоморфология бўлимида иммуногистохимё таҳлиллари ўтказилди. Иммуногистохимё таҳлилларини қўллашда лимфаденопатиянинг сабабини ўрганиш мақсадида (*Myc. Tuberculosis mouse monoclonal antibody, clone 1.1/3/1, Vector; Monoclonal Mouse Anti-Cytomegalovirus, clone CCH2+DDG9, DAKO; Monoclonal Mouse Anti-Pneumocystis Jiroveci, clone 3F6, DAKO; Epstein-Barr virus, Novocastra*) антитаналардан фойдаланилди.

Силдаги яллиғланишнинг морфологик ўзгаришлари иммун тизимининг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, иммун тизимини бирламчи текшириш ва касаллик оқибатидаги бузилишларни аниқлаш мақсадида CD3⁺,

CD4⁺, CD8⁺, CD19⁺, CD16⁺+56⁺, CD4⁺/CD8⁺ ўзаро нисбати, цитокинлар ва зардобли иммуноглобулинларни текшириш ўтказилди. Кузатувдаги беморларни кўкрак қафаси рентгенографияси, қорин бўшлиғи аъзолари ва периферик лимфа тугунларни ультратовуш ташхисоти ва компьютер томографияси ёрдамида текширилди. Ундан ташқари, қоннинг клиник, биокимёвий таҳлиллари, нажас ва пешобнинг клиник таҳлиллари беморларнинг клиник кузатуви давомида текшириб борилди.

Биоорганик кимё институтининг фармакогенетика лабораториясида ретровирусга қарши даволаш самарадорлигига таъсир этувчи организмнинг генетик омилларини аниқлаш усуллари қўлланилди. Олинган натижалар асосида ОИВ-инфекцияли беморларга ретровирусга қарши препаратлари схемаси тузилди ва ретровирусга қарши препаратларнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида, қонда Р-гликопротеин миқдори аниқланди. Қонда Р-гликопротеиннинг юқорилиги, танланган ретровирусга қарши препаратлар схемасининг самарасизлигини билдиради. Шу асосида беморларга шахсий ретровирусга қарши схемалари тавсия этилди.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2016 программа пакети ёрдамида Pentium-IV персонал компютерида статистик ишлов берилди. Ўрта арифметик ўрганилаётган кўрсаткични (М) ҳисобга олиб вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари, ўрта квадратик оғиш (σ), ўрта стандарт хатоси (m), нисбий ўлчам (сони, %), ўрта ўлчамларни таққослаб ўрганилганда Стьюдент (t) аломати билан хато эҳтимоли (P) тўғри тақсимланганда (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсларнинг тенглиги (F–Фишер мезони) статистик аҳамияти қўлланилди. Статистик маъноли ўзгаришларни ишонч даражаси $P < 0,05$ бўлганда ҳисобга олинди. Сифатли ўлчамлар учун статистик даража χ^2 мезони (хи-квадрат) ва z-мезон ёрдамида ҳисобланди. (Гланц С., 1998).

Диссертациянинг **«ОИВ инфекцияли ва ОИВ инфекциясиз беморларда сил лимфаденитининг клиник кечиши, лаборатор ва иммунологик омилларини баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида ОИВ-инфекцияли ва ОИВ-инфекциясиз сил лимфаденопатия беморларининг клиник кўриниши, лаборатор, иммунологик, серологик ва инструментал диагностик текширувлар натижалари баён қилинди. Жараённинг тарқалганлиги ўрганилганда иккала гуруҳда ҳам лимфа тугунларнинг бўйин (80,2% ва 67,7%, мос равишда, $P < 0,05$) соҳасида кўпроқ жароҳатлангани қайд этилди (2-жадвал).

ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларда ОИВ-инфекциясиз силли лимфаденит беморларга қараганда патологик жараён ишончли равишда кўпроқ қўлтиқ ости, жағ ости ва чов соҳаларида учради ($P < 0,001$). Лимфа тугунлар жароҳатини ҳар хил соҳаларда бирлашган ҳолда учрашини 1,8 марта кўпроқ ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларда кузатдик (64,4% ва 35,4%, мос равишда, $P < 0,001$).

**ОИВ инфекцияли беморларда силли ва силсиз
лимфаденопатиянинг жойлашиши**

Лимфаденопатияни нг жойлашиши	ОИВ/Сил/ЛАП n=101		Сил/ЛАП n=99		χ^2	P
	абс.	%	абс	%		
Бўйин	81	80,2	67	67,7	4,07	<0,05
Жағ ости	34	33,7	10	10,1	16,18	<0,001
Қўлтиқ ости	51	50,5	17	17,2	24,74	<0,001
Чов сохаси	23	22,8	6	6,1	11,26	<0,001
Биргаликда	65	64,4	35	35,4	16,82	<0,001

Беморлардаги касаллик босқичларини таққослаб таҳлил қилинганда, ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларда касалликнинг абсцессли (32,7%) ва оқма ярали (37,6%) босқичлари билан кўпроқ касалланганлиги исботланди. ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларда, ОИВ-инфекциясиз беморларга қараганда, силли лимфаденит касаллигининг 1 йилгача давомлиги 1,6 марта кўпроқ учради (94,1% ва 59,6% мос равишда, $P<0,001$).

ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитининг клиник белгилари ОИВ-инфекциясиз беморларга қараганда, периферик лимфа тугунларининг катталашуви билан бирга, кучли интоксикацион симптомлар билан бошланди, яъни тана ҳароратининг узоқ вақт сабабсиз кўтарилиши, озиш, терлаш, сабабсиз ич суриш шулар жумласидандир.

ОИВ-ассоцирланган силли лимфаденит беморларда кўп учраган ҳамроҳ касалликларга сурункали В ва С гепатитлар (68,3%), оғиз бўшлиғи кандидози (39,6%), буйрак (36,6%) ва асаб касалликлари (27,7%) ҳолатда қайд этилди. Ҳар иккала гуруҳни солиштирганда, ҳамроҳ касалликлар ишончли кўп ОИВ-ассоцирланган силли лимфаденит беморларда учради. Ҳамроҳ касалликлардан пневмоцистли пневмония (38,6%) ва онкологик касалликлар (5,0%) эса, фақат ОИВ-инфекцияли беморларда учради (3-жадвал). Иммунотанқислик ($CD4>200$ кл) фонидаги Сил/ЛАП беморларига 2 ТЕ (ППД-тери ости Манту синамасини қўйилганда 59,4% ҳолатда туберкулинга таъсири натижаси манфий бўлди.

ОИВ инфекцияли лимфаденит беморларда ҳамроҳ касалликларнинг учраши

Ҳамроҳ касалликлар	ОИВ/Сил / ЛАП, n=101		Сил/ ЛАП, n =99		χ ²	P
	абс.	%	абс.	%		
Вирусли В ва С гепатит	67	66,3	12	12,1	61,49	<0,001
Буйрак касаллиги	37	36,6	8	8,1	23,37	<0,001
Кандидоз	40	39,6	0	0,0	49,01	<0,001
Ошқозон-ичак тизими касалликлари	19	18,8	14	14,1	0,79	>0,05
Асаб тизими касалликлари	28	27,7	9	9,1	11,51	>0,05
Нафас олиш тизими касалликлар	20	19,8	7	7,1	6,94	<0,01
Пневмоциститли пневмония	39	38,6	0	0,0	47,49	<0,001
Онкологик касалликлар	5	5,0	0	0,0	5,03	<0,05
Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар	11	10,9	6	6,1	1,50	>0,05
Цитомегаловирус	25	24,8	5	5,1	15,22	<0,001

Аксинча, силли лимфаденит иммунотанқислик бўлмаган беморларда туберкулинга таъсири натижаси ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларга қараганда 7,3 марта кам учради (59,4% ва 8,1% мос равишда P<0,001) (4-жадвал).

4-жадвал

Силли лимфаденит беморларда Манту синамасининг кўрсаткичлари

Синама самараси	ОИВ/Сил/ЛАП, n=101	Сил/ЛАП, n=99
Мусбат	15 (14,8±3,5)*	52 (52,5±5,0)
Гиперергик	13 (12,9±3,3)*	23 (23,2±4,2)
Шубҳали	4 (4,0±1,9)	5 (5,1±2,2)
Манфий	60 (59,4±4,8)*	8 (8,1±2,7)
Ўтказилмади	9 (8,9±2,8)	11 (11,1±3,1)

Изоҳ: * - Сил/ЛАП пациентлар орасидаги фарқлар ишончли (P<0,001)

Текширувларимизда диаскин-тестнинг сезувчанлик самараси, Манту синамасидан устун эмаслигини кўрсатди ва сил лимфаденитли беморларда иммун танқислик (CD4+ - лимфоцитлар сони <200 ҳажайра/мкл) фониди 56,0% ҳолда, диаскин-тест реакцияси манфий бўлди. ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларида қоннинг умумий таҳлилида қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: кучли лейкоцитоз, эритроцитлар чўкиши тезлигининг кескин кўтарилиши, гемоглобин (97,5±2,13 ва 111,9±1,66 мос равишда P<0,001), моноцитлар (0,7±0,11 ва 6,58±0,18 мос равишда P<0,001)

ва лимфоцитларнинг ($17,0 \pm 0,37$ ва $25,7 \pm 0,55$ мос равишда $P < 0,001$) силли лимфаденит беморларга нисбатан ишончли камайди (5-жадвал).

5-жадвал

Силли лимфаденит беморларда Диаскин-тест синамасининг кўрсаткичлари

Синама самараси	ОИВ/Сил/ЛАП, n=50	Сил/ЛАП, n=50
Мусбат	13 ($26,0 \pm 6,2$)*	27 ($54,0 \pm 7,0$)
Гиперергик	7 ($14,0 \pm 4,9$)*	12 ($24,0 \pm 6,0$)
Шубҳали	2 ($4,0 \pm 2,7$)	3 ($6,0 \pm 3,3$)
Манфий	28 ($56,0 \pm 7,0$)*	8 ($16,0 \pm 5,1$)

Изоҳ: * - Сил/ЛАП ОИВли ва Сил/ЛАП пациентлар орасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,001$).

ОИВ-ассоциаланган силли лимфаденит беморларда қондаги биокимёвий кўрсаткичлар (АСТ ва АЛТ, мочевино, креатинин) юқори кўрсаткичлари, ОИВ инфекциясиз беморларга қараганда ишончли кўпроқ учради ($P > 0,05$).

Иммунологик таҳлиллар иммуносупрессиянинг кучлилигига қараб, ОИВ-инфекцияли (n=160) беморларда тадқиқотнинг таҳлил самарасида иккала силли лимфаденит (n=101), ОИВ/ЛАП(n=59) гуруҳда, CD4+ хужайранинг 100 хужайра/мклдан пастлигини кўрсатди. Силли лимфаденит беморлар иммуносупрессиянинг кучлилигига нисбатан 5 гуруҳга бўлинди: 1чи гуруҳ (48,5%) CD4+-лимфоцитлар <50 хужайра/мкл. сони билан, 2чи гуруҳ (35,6%) - 50 дан 99 хужайра/мкл. гача, 3чи гуруҳ (22,8%) - 100 дан 199 хужайра/мкл. гача ва 4чи гуруҳ (9,9%) - 200 дан 349 хужайра/мкл.гача. ОИВ-инфекциясининг босқичларига нисбатан, силли лимфаденит беморларининг учраш сони таҳлиliga кўра, ОИВ-инфекциясининг IV босқичи унинг III босқичига нисбатан 2,9 марта кўпроқ учраши аниқланди (74,3% ва 25,7%, мос равишда). Худди шунга ўхшаш, ОИВ- ассоцирланган ЛАП беморлар орасида ОИВ-инфекциясининг IV босқичи, III босқичга нисбатан 3,5 марта кўпроқ учради (78,0% ва 22,0% мос равишда). ОИВ-инфекцияли (n=101) ва ОИВ-инфекциясиз (n=99) сил лимфаденит гуруҳларида рентгенологик тасвир бирмунча фарқ қилди. Иккала гуруҳда ҳам ўпка жараёни икки томонлама бўлиб, фиброз-кавакли сил ҳолатида облитерация билан бўшлиқ топилди. ОИВ-инфекциясининг эрта босқичларида силнинг рентгенологик тасвир кўринишлари типик бўлиб, ОИВ-инфекцияси йўқ беморлардан ҳам фарқ қилмайди. 40% беморларда кўкрак ички лимфа тугунларининг катталашуви ҳисобига, ўпка илдизининг кенгайишини ва 40,4% беморларда парчаланиш фазаси аниқланди (6-жадвал).

Текширувларимиздаги барча беморларга рентгенологик текширув, 149 беморга эса, МСКТ текширув ўтказилди: ундан 86(85,5%) ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморлар, 37(37,3%) нафар силли лимфаденит беморлар, 26(44%) ОИВ-инфекцияли лимфаденит беморлардир.

Кузатувдаги беморларда кўкрак қафаси мультиспирал компьютер томограммасининг кўрсаткичлари

Ўпканинг яллиғланиш даражаси	Сил/ЛАП, n=99		ОИВ/Сил/ЛАП, n=101	
	Кўкрак қафаси R-графияси	Кўкрак қафаси МСКТ	Кўкрак қафаси R-графияси	Кўкрак қафаси МСКТ
Сурункали бронхит	22(22,2%)	11(11,11%)	12(11,8%)	6(5,9%)
Тарқоқ лимфаденопатия	0	5(5,05%)	4(3,9%)	15(14,9%)*
Кўкрак қафаси лимфаденопатияси	9(9,09%)	35(35,35%)	25(24,7%)	75(74,25%)*
Ўпканинг ўчоқли сили	5(5,05%)	7(7,07%)	6(5,9%)	11(10,8%)
Интерстициал пневмония.	4 (4,04%)	6(6,06%)	22(21,8%)*	3(2,9%)
Пневмоцистли пневмония	0	0	0	11(11,8%)*
Кандидозли пневмония	0	0	1(0,9%)	9(8,9%)
Инфилтратив. пневмония	1(1,01%)	3(3,03%)	1(0,9%)	4(3,9%)
Ўпканинг диссемирланган сили	4(4,04%)	6(6,06%)	4(3,9%)	18(17,8%)*
Ўпканинг кавернали сили	0	0	1(0,9%)	3(2,9%)

Изох: * - Сил/ЛАП пациентлар орасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,001$)

Кўкрак ичи ва қорин бўшлиғи лимфа безларининг катталашуви ОИВ-инфекцияли беморларда рентгенологик текширувда 25%, МСКТ ёрдамида эса, 75% аниқланди. ОИВ -инфекцияли силли лимфаденит (n=101) беморларда 34,6%, силли лимфаденит (n=99) беморларда 14% ўпкада деструктив ўзгаришлар аниқланди. Шу беморларни бир вақтнинг ўзида МСКТ ёрдамида текширилганда, ОИВ- инфекцияли силли лимфаденит (n=101) беморлардан 57,4 % ва силли лимфаденит (n=99) беморлардан 21,2%да ўпкада яллиғланиш жараёни кузатилди. МСКТ текшируви 149 беморнинг 46 нафарида кўкрак ва қорин бўшлиғи билан биргаликда ўтказилди.

ОИВ/Сил/ЛАПли беморларда 30,2%, Сил/ЛАПли беморларда эса, 8% ҳолатда мезентериал лимфа тугунларининг катталашуви аниқланди. Кузатувдаги ўпкада деструктив ўзгаришлар аниқланган беморларда сил таёқчасини топиш учун балғамни бактериоскопия усули билан текширилганда, ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларида 17,8%, ОИВ-инфекциясиз беморларда эса, 40% сил микобактерияси топилди. Gene-

Хpert (ПЗР) усулида текширилганда ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларида 28,5% сил микобактерияси топилган бўлса, бундан 50% ва ОИВ-инфекциясиз беморларда эса, 66% беморларда сил микобактерияси топилган бўлса, ундан 21% беморларда рифампицинга чидамлик тури эканлиги аниқланди. Бактериологик усул билан патологик ажралмаларни суяқ озуқа муҳити MGIT-960 ВАСТЕС ва зич озуқа Левенштейн – Йенсен муҳитида балғам экиш ёрдамида, ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларида 80,3% ҳолатда сил микобактерияси ажратиб олинди. Иммунотанқислик фонида кечадиган ўпкадаги деструктив ўзгаришларни аниқлашда МСКтомограмма текширув усули кўрсаткичлари самарали эканлигини кўрсатди. УТД ёрдамида текширилган ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит (n=101) беморлар ва силли лимфаденит (n=99) беморлар эхографик лимфа тугун структурасининг гомоген эмаслигини, ташқи контурларининг аниқ эмаслигини, атроф юмшоқ тўқималарни шишганлигини, интранодал кистозли некрозни, конгломерат ҳосилани, дистал кучайишни, лимфа тугун атрофидаги «тож» га ўхшаш гиперэхоген қўшимчаларни (казеоз некроз ёки яллиғланган жойдаги кальцинация) аниқладик. Бу гуруҳлар орасида лимфа тутугунлар ўлчамининг 95%га ва пўстлоқ қисмининг кенгайиши ва унинг эхогенлигини камайишини 41,0% ҳолларда кузатдик.


ОИВ-инфекция фонида сил бўлган 22 нафар беморни ва сил бўлмаган 25 нафар беморни клиник-иммунологик текширув, иккала гуруҳда ҳам лейкоцитлар ва лимфоцитларнинг умумий сони коэффицентини пастлигини ҳамда иккала гуруҳ беморларида касалликнинг ҳар хил клиник босқичларида Т-лимфоцитлар ўртача сони ишончли камайди.

ОИВ -инфекцияли силли лимфаденит беморларда касалликнинг IV чи клиник босқичида CD3+ - лимфоцитлар сонининг пасайиши қайд этилди ($39,36 \pm 0,64\%$ ва $62,09 \pm 1,23\%$ мос равишда, $p < 0,01$). Силли лимфаденит беморларда CD4 и CD8+ Т-лимфоцитларни текшириш, CD4 Т-лимфоцитлар умумий пул дефицити фонида Т-лимфоцитлар иммунорегулятор субпопуляцияси дисбалансининг кучайганлиги ҳақида гувоҳлик беради. ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларда ОИВ-инфекцияси босқичига нисбатан CD16+ -лимфоцитлар сони ўзгаради ва НК-хужайраларни камайганлиги аниқланган қизиқарли факт бўлиб қолади. Т-лимфоцитлар умумий популяциясининг чуқур дефицити фонида, Т-хужайра пули депрессиясини қўшган ҳолда, ОИВ-инфекцияли силли лимфаденит беморларда иммун статусни чуқур бузилишини аниқладик, ҳамда периферик қонда CD8+ ни кўпайганини аниқладик. ОИВ-инфекция на фақат Т лимфоцитлар сонининг пасайиши билан, балки уларнинг функционал етишмовчилиги билан давом этди.

Силга қарши препаратлар ва ретровирусга қарши препаратларни қўллаш фонида CD4+, CD8+, CD16+ лимфоцитлар сонининг ошиши билан боғлиқ позитив ўзгаришлар ретровирусга қарши препаратлар билан бир вақтда, силга қарши препаратлар олувчи беморлар гуруҳида кўп учради. Бунда иммуноцитокин кўрсаткичларини таҳлили Т-хужайра иммунорегулятор

сонини ва табиий киллер хужайрасини кўпайиши иммун жавобнинг меъёрлашувини, сурункали яллиғланиш жараёнининг йўқолишини исботлай олмаслигини кўрсатади.

Кузатувдаги беморлардан олинган маълумотлар асосида, сил лимфаденитини ўз вақтида аниқлаш учун шифокорнинг дифференциал диагностика алгоритми тактикаси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. ОИВинфекцияли беморларда силли лимфаденит диагностикаси алгоритми

Диссертациянинг «**ОИВ-инфекцияли сил лимфаденити беморларда патоморфологик тадқиқотларнинг фазилатлари**» деб номланган тўртинчи бобида ОИВ-инфекцияли сил лимфаденитли беморларнинг лимфа тугунларидаги морфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлар ўрганилган.

Гистобактериологик текширилганда, ОИВ-ассоциацияланган 60 (100%) нафар силли лимфаденит беморларнинг лимфа тугунларидан 48,3% сил таёқчаси ва 38,3% реактив лимфаденитлар аниқланди. ОИВ-инфекцияси бўлмаган 68 нафар сил лимфаденитли беморларнинг лимфа тугунлари текширилганда эса, 68 (100%) ҳолатда сил микобактериялари аниқланди.

ОИВ-инфекциясиз сил лимфаденитли беморларнинг лимфа тугунлари морфологик таҳлил қилинганда, сил лимфаденитининг типик хусусиятлари аниқланди. Бунда, марказида лейкоцитлари бўлган казеоз ва некроз бир-бири билан ёпишган эпителиоид-гигант хужайра гранулемаси шаклланиши билан, субтотал ва тотал казеоз лимфаденит ривожланди. Сил лимфаденити ривожланганда перинодал ёғ тўқимасида қўшилиб кетаётган гранулёманинг шаклланишини аниқладик. ОИВ-инфекциясининг III босқичидаги n=12 бемордан олинган микропрепаратни гистологик текширилганда, патологик ўзгаришларда тафовут сезилмади. ОИВ-инфекциясининг IV босқичидаги n=23 бемордан олинган патологик материалларда эса, сил жараёни лимфа тугунларда носпецифик типдаги гиперплазия ҳолида кўринди. Бу ҳолатларда гранулематоз реакция йўқ бўлиб, бирор бир кўриш майдонида алоҳида ўзига хос вал ҳосил қилмаган эпителиоид хужайраларни ёки некроз периферияси бўйича бир иккита Пирогов-Лангханс гигант хужайрасини аниқлаш мумкин. Сил билан касалланмаган ОИВ-инфекцияли беморларнинг лимфа тугунлари морфологик текширилганда фоликуляр структуранинг ўчганлиги, алоҳида ҳолларда лимфоиднинг камайиб кетишини аниқланди. Кўпчилик ҳолларда носпецифик хусусиятли синусларнинг макрофагал реакцияси билан n=21 носпецифик лимфаденитлар ва n=7 Нохожкин лимфомаси аниқланди. Яна лимфа тугунларда майда, хира эпителиоид гранулёмалар аниқладик.

